## Спорт




*Эртага Қатар пойтахти Дохада ўтаётган XV Осиё ўйинлари якунланади. Медаллар учун курашлар эса тобора қизғин тус олмоқда.*



# Марра арафасида

Албатта, Осиё ўйинларида шоҳсупадан жой олиш ҳар бир мамлакат спортчилари учун шараф. Чунки мазкур мусобақа қитъамизда Олимпиада ўйинларидан сўнг нуфузи жиҳатидан кейинги ўринда туради.

Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари Осиё ўйинларининг ўн иккинчи куни ҳам ўз захираларини медаллар шодаси билан тўлдиришда давом этишди. Хабар қилганимиздек, боксчиларимиздан Баҳодир Султонов (57 кг.) ва Элшод Расулов (75 кг.) олтин, Жасур Матчонов (91 кг.) кумуш медаллари совриндори бўлишди. Трамполинда сакраш баҳсларида халқаро тоифадаги спорт устаси Екатерина Хилько бронза медалига сазовор бўлди. Яна бир ҳамюртимиз Анна Савкина 7,40 балл тўплаб, олтинчи ўриндан жой олди.

Бугунгача ўзбекистонлик спортчилар 7 та олтин, 10 та кумуш ва 11 та бронза медали билан умумжамоа ҳисобида ўн биринчи ўринда боришмоқда. Хўш, юртдошларимизда бу гал ҳам кучли бешликдан жой олиш учун имконият борми?. Эътибор берадиган бўлсак, бешинчи ўринни банд этиб турган таиландликлар ҳисобида 11 та олтин медаль бор. Уларни қувиб етиш учун ҳали вақт бор. Чунки эркин кураш, каратэ ва бошқа спорт турлари бўйича вакилларимиздан олтин медаллар кутаяпмиз. Лекин таиландлик спортчиларда ҳам медаллар сонини кўпайтириб олиш имконияти бор. Нима бўлганда ҳам умид қилиб қоламиз.



Суратлар муаллифи: Анвар ИЛЁСОВ, «Жаҳон» АА махсус мухбири. Доха.

### Шахмат

Рустам Қосимжонов, Алексей Барсов ва Ольга Собировалардан ташкил топган терма жамоамиз еттинчи турда Мўғулистон шахматчиларини 2,5 : 0,5 ҳисобида мағлубиятга учратиб, очколарини 12 тага етказиб олди.

### Енгил атлетика

Найза улоқтириш баҳсларида Сергей Войнов бешинчи ўриндан жой олди.

### Сув полоси

Қатар спортчиларини 13-2 ҳисобида ютган вакилларимиз бешинчи ўринни эгаллашди.

### Қиличбозлик

Терма жамоамиз Жанубий Корея спортчиларига 34-45 ҳисобида имкониятни бой берди. Шунингдек, сувга сакраш мусобақасида Данил Вотяков ўн бешинчи ўринда қолиб кетди. Қўл тўпи бўйича аёллар терма жамоамиз олтинчи ўрин билан кифояланди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.**

**Декабрь ойининг биринчи санасида старт олган XV Осиё ўйинлари илк куниданоқ, мухлисларга кутилмаган совғаларни тақдим этди. Совринли ўринлар учун курашаётган турли мамлакатлар спортчиларининг муваффақиятларини бироз четга сурайлик-да, майдон ташқарисидаги жараёнларни кузатайлик.**

### Назорат кучайтирилган

Осиё ўйинлари қўмитаси мусобақаларни ҳалол ўтиши учун Допинг назорати гуруҳини кучайтирди. Гуруҳ мусобақаларида иштирок этаётган барча спортчилар жиддий текширувдан ўтказилди.

### Қўшимча авиайўналишлар

Доха халқаро аэропортида кўплаб янги авиайўналишлар ташкил этилди. Бундан ташқари, меҳмонларга автобуслар, таксилар ва лимузинлар юқори даражада хизмат кўрсатмоқда. Ҳозирча Дохадан бошқа мамлакатларга 66 йўналишда самолётлар қатнови йўлга қўйилган.

### Мезбонлар ҳақида

Қатар миллий қадриятларини юксак даражада эъзозлайди. Мамлакатнинг иқтисодий даромадлари асосан нефть ва портлар ҳисобидан келади. Сайёҳлар учун замонавий меҳмонхоналар хизмат кўрсатмоқда.

**Интернет материаллари асосида
Омонулла ФАЙЗИЕВ тайёрлади.**

# Талабалар тадбири

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасига қарашли Ўқув даволаш комплекси тиббиёт коллежида «Талабалик — олтин даврим» мавзуида бадиий тадбир ўтказилди. Унда мазкур билим юрти талабалари ўзларининг мусиқий чиқишлари билан йиғилганлар дилини хушнуд этдилар.

— Кейинги йилларда юртимизда тиббиёт ходимлари фаолиятига алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас, — дейди коллеж директори С.Мақсудова. — Бошқа касб эгаларига қараганда шифокорлар табиийки, зиммаларидаги масъулиятни кўпроқ ҳис қилишлари даркор.

Тадбир якунида талабалар учун «Бир қанотлилар» деб номланган ахлоқий-тарбиявий спектакль намойиш этилди.

**З.РАШИДОВА.**




*Яқинда метродан чиқиб, трамвайга ўтирдим. Эътиборимни ёнимдаги ўриндиқда ўтирган 30-35 ёшлардаги аёл тортди. Кўринишидан хорижликка ўхшарди. У трамвай чиптачиси билан ҳисоб-китоб қилаётганда, талаффузидан хорижлик эканлигини англадим.*

# РАҚОБАТДАН МАНФААТДОР

## ёхуд испаниялик аёлга нега пойтахт транспорти маъқул келди?

— Меҳмонмисиз? — дея сўрайман ундан.

— Ҳа, Испаниядანман. Бу ерда испан тилидан дарс беряпман, — деди ўзини Алехандра Блунделл, деб таништирган аёл.

Испан тилини ўрганаётганим шунда асқотди. Алехандра билан манзилимгача суҳбатлашиб кетдик. Меҳмон юртимизнинг кўпгина тарихий жойларида бўлганини, таассуротлари чексиз эканлигини айтди. Ер юзида аҳолиси меҳмондўст, кўнгли очиқ бундай халқни фақат Ўзбекистонда учратганини таъкидлади.

— Нега таксида эмас, трамвайда кетяпсиз? — деб сўрайман ундан.

— Тошкентга илк келган кунларимда бир-икки марта таксида юрдим. Транспорт қатновини кузатсам, ҳаракатланиши жойида. Пойтахтнинг турли чеккаларигача транспорт воситалари қатнаса, менга шу қулай-ку! Бундан ташқари, автобус ва троллейбусдан ҳам фойдаланяпман. Транспорт воситалари йўловчиларга яхши хизмат қилаётгани менга маъқул бўлди.

Чамаси олти бекатдан кейин манзилимга келдим. Алехандра билан хайрлашар эканман, у менга:

— Сизга раҳмат, хайр, соғ бўлинг, — деди ўзбек тилида.

Англашимча, у ўзбек тилини ўрганишни энди бошлаган. Трамвайдан тушиб, бир нарсага иқрор бўлдим: шаҳар транспорт тизимидаги бугунги янгиланишлар нафақат юртдошларимизни, балки пойтахтимиз меҳмонларини ҳам қаноатлантиряпти. Демак, тизимдаги ислоҳотлар беиз кетмаяпти.

Биз шаҳар транспорти фаолиятини такомиллаштиришда олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси раиси ўринбосари Зайниддин Аброров билан учрашдик.

— Хабарингиз бор, — дейди суҳбатдошимиз, — жорий йилнинг 11 январида Президентимиз имзолаган «Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармон эълон қилинди. Унда қайд этилган кўрсатмаларга асосан йўловчиларга транспорт тизимини юксак савияда ташкиллаштириш юклатилган эди. Демак, шу кунга қадар амалга оширилаётган ишлар асосан йўловчилар манфаатини ҳимоя қилишда акс этмоқда.

Қувонарлиси, ўтган ўн ой давомида транспорт тизимини такомиллаштириш юзасидан қабул қилинган Президентимизнинг Фармон ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспортини жаҳон андозаларига мос равишда фаолият юритишига замин яратмоқда.

Шунингдек, «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси тугатилиб, унинг негизида йўловчилар ташиш бўйича «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси ташкил этилди. Уюшма қошида учта компания «Тошавтобустранс» Акциядорлик компанияси, «Тошэлектротранс» Давлат компанияси ва «Тошпасремсервис» Акциядорлик компанияси ўз фаолиятини бошлади.

**— «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси билан собиқ «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси ўртасидаги фарқ бугун нималарда яққол намоён бўлмоқда, деб ўйлайсиз?**

— Уюшмамизнинг фаолиятини аввалгиси билан солиштириш менимча, бироз мантиқсизроқ бўлар. Ҳозирда «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасида хизмат қилаётган ходимларнинг сони 15000 нафарни ташкил этади. Тизимдаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун асосий эътиборни кадрларнинг малакасини оширишдан бошладик.

Даставвал «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасида фаолият юритувчи кадрлар, раҳбарлар аттестациядан ўтказилди. Инсондан масъулият талаб қиладиган бу синов жараёнлари улар учун катта мактаб вазифасини ўтади. Аттестацияни ўтказиш ҳукумат тизимида фаолият юритувчи вакиллардан иборат гуруҳ иштирокида бўлди.

Барча раҳбар ходимларнинг аттестацияга тайёрланишлари учун бир ярим ой муддат берилди. Тегишли даргоҳларда таҳсил олган кадрларимиз синовларни муваффақиятли топширдилар. Уларнинг олган билимлари ўзлари учун ҳам фойдали бўлди. Ишига талабчан бўлмаган, аттестацияга юзаки қараган раҳбарлардан олти нафари синовлардан ўтолмади.

**— Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча йўловчи ташувчиларга шартнома асосида хизмат кўрсатиш тизими йўлга қўйилди. Бу йўловчилар учун қай даражада қулайлик яратмоқда?**

— Айни пайтда Тошкент шаҳрида йўловчи транспорти қатновини фақат юридик ташкилотлар амалга ошириш ҳуқуқига эга. Бу ҳам бўлса транспорт тизимида маданиятни ошириш, уни жаҳон андозаларига мослаштиришга хизмат қилади.

Узоққа бормайлик, бундан бир ярим-икки йил аввал йўловчилар манфаати аксарият ҳайдовчилар учун иккинчи даражали бўлиб қолганди. Масалан, ўша ҳайдовчилар ўзларига аниқ иш режасини шакллантирмагандилар. Кўплаб ҳайдовчилар жадвалга риоя қилмай ҳаракатланиб, йўловчиларга, жамоат транспортига ноқулайликлар туғдирардилар. Оқибатда ҳайдовчининг масъулиятсизлиги билан турли кўринишдаги йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларининг бузилиш ҳолатлари, йўл-транспорт ҳодисалари содир этиларди.

Газетхонларда бугунги ҳолат қандай, деган савол туғилиши табиий. Айтиш мумкинки, ижобий жиҳатлар авvalгисидан тубдан фарқ қилади.

Барча ҳайдовчиларга кунлик, ойлик пул тушуми режалари белгиланди. Ҳайдовчилар ҳар куни тиббий назоратдан, автомобиллар техник кўрикдан ўтказилмоқда. Ҳозирги кунда Тошкент шаҳрида йўловчиларни ташиш учун лицензия олган юридик ташкилотларнинг сони 85 тани ташкил қилди, улардан 75 таси йўналишли такси йўналишида, 10 таси эса енгил такси сифатида фаолият кўрсатмоқда. Ушбу ташкилотларда ҳайдовчилар ва бошқарув тизимидаги ишловчиларнинг умумий сони 2510 нафарни ташкил этади. Ҳар куни йўналишли таксиларнинг 159 йўналишига 1250-1320 та турли русумдаги мўъжаз автобуслар чиқарилади. 250-300 дона енгил таксилар йўловчиларга хизмат қилади. 2006 йил ноябрь ойида юридик мақомига эга хусусий ташувчилар билан 5,2 млн. йўловчига хизмат кўрсатилди.

**— Уюшма тизимидаги транспорт воситаларининг йўловчиларга хизмат кўрсатиш натижаси ҳақида нима дейсиз?**

— Ҳозирги кунда шаҳар аҳолиси ва меҳмонларига уюшма таркибидаги транспорт корхоналари томонидан 125 та шаҳар ичи, 3 та шаҳар атрофи, 36 та йўналишли такси, 8 та трамвай, 10 та троллейбус йўналишларида хизмат кўрсатилмоқда. Айни пайтда метрополитен 3 та йўналиш бўйича ишламоқда. Ҳар куни тиғиз соатларда шаҳар йўналишларида 1200 та кўп ўринли ва мўъжаз автобуслар, 98 та трамвай, 88 та троллейбус чиқарилади. Метрополитенда 4 та вагондан иборат 39 та поезд ҳаракат қилади. Ўтган 11 ой мобайнида барча турдаги транспорт воситалари билан жами 5 млн. 372 минг қатнов бажарилиб, 456,0 млн.дан ортиқ йўловчи ташилди. Шуни алоҳида таъкидламоқчиман, йўлкира ҳақи 2004 йил октябрь ойидан бери 160 сўм қилиб белгиланган эди. Ваҳоланки, шу давр ичида ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, электр энергияси нархлари бир неча маротаба кўтарилди, эҳтиёт қисмлар ва ашёлар учун ҳам харажатлар ошди. Шу давр мобайнида иш ҳақи, нафақалар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдори ошди.

Шуларни инобатга олган ҳолда, шаҳар йўловчи ташиш транспорт корхоналарининг йўловчи ташишлардан зарар кўриш миқдорини камайтириш, аҳолига хизмат кўрсатиш сифати ва транспорт корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш, йўловчи ташиш тизимини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштиришга ўтказиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига асосан, жорий йилнинг 1 декабридан бошлаб шаҳар ичи йўналишларида юриш учун йўлкира ҳақи 200 сўм қилиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 484-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил учун инвестиция дастурида 300 та «Мерседес-Бенц КонектоС» русумли автобуслар харид қилиниши белгилаб берилди.

Бу режалаштирилган ишлар, албатта, йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатишнинг яхшиланишига туртки беради.

**«Халқ сўзи» мухбири
Омонулла ФАЙЗИЕВ
суҳбатлашди.**

MANAGEMENT CONSULTING
Бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш
ISO 9001, OHSAS 18001, ISO 14001, ISO/TS 16949, HACCP (ISO 220 00) халқаро стандартлари талаблари асосида бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш
ISO 9001
Бошқарув тизимида ходимларни ўқитиш ва тайёрлаш, сертификация ва назорат аудитларини ўтказиш.
Шунингдек, ҳужжатларнинг электрон бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича хизматлар кўрсатилади.
Компания мижозлари:
- «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» УШК
- «Муборакнефтгаз» УШК
- «Жанубий газ қурилиш» ОАЖ
- «Қашқадарёгазсаноатқурилиш» ОАЖ
- «Rubicon Wireles Communication» ҚК
- «УзДонгВон КО» ҚК
- «UZEXIDE» ҚК
- «АВТООЙНА» ОАЖ
- «ТАТ-Реестр» МЧЖ
- «Vinlad» ИИК ва бошқалар.
Тел.: (+99871) 132-12-55, 136-14-09, 340-54-27.
Факс: (+99871) 132-20-83.
e-mail: info@mc.uz http://www.mc.uz

Российский линолеум
Производство
ЩекиноАзот г. Тула,
Стройпластмасс г. Ульяновск
тел. 134-48-11
факс 134-49-58




Ўз Р ФА Тарих институти жамоаси институт қошидаги ихтисослашган кенгаш аъзоси, Бухоро Давлат университети кафедра мудири, тарих фанлари доктори, профессор

**Фарҳод Ҳабибович ҚОСИМОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбекнаво» Эстрада бирлашмаси ва Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармаси жамоалари бирлашма қошидаги ижодий кўмаклашувчи вакиллар гуруҳи аъзоси, таниқли журналист Гулчеҳра Умаровага укаси

**Рустам УМАРОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти ректорати, жамоат ташкилотлари Режиссура кафедраси ўқитувчиси Жаҳонгир Маматқосимовга падари бузруквори

**АБИРҚУЛ отанинг**

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Тошкент молия институти жамоаси Молия кафедраси катта ўқитувчиси Қаҳрамон Чинқуловга падари бузруквори

**Равшан ЧИНҚУЛОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1457. 20731 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.30 23456